




**HUDUDGAZTA'MINOT**

AKSIYADORLIK JAMIYATI

**ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ  
ИСТЕММОЛЧИЛАРГА  
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ  
ШАРТНОМАСИ**

**№ 02/11-0204**

**Гулистан - 2022йил**



# ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ ИСТЕММОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

05.01.2022 йил 02/11-0204-сон Гулистан шаҳар

Низом ва ишончнома асосида фаолият юритувчи “Худудгаз Сирдарё” газ таъминоти филиали(бундан кейин“Таъминотчи” деб аталади), раҳбари Ж.И.Хидиров, бир тарафдан, ҳамда Низом(Устав, Ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ширин ШХТБ  
*(Истеъмолчи номи)*

(бундан кейин“Истеъмолчи” деб аталади), раҳбари М. Жумонаев иккинчи тарафдан, қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздилар:

## I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

**1.1.** Таъминотчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

**1.2.** Таъминотчигазни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

**1.3.** Истеъмолчи Таъминотчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол килиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

**1.4.** 2022 йилда Истеъмолчига техник шартларда белгиланган босим бўйича қўйидаги газ ҳажми етказиб берилади:

I чорак	15000 минг куб.м:январь	6000,	февраль	6000,	март	3000.
II чорак	— минг куб.м:апрель	— май	— июнь	—	—	—
III чорак	— минг куб.м:июль	— август	— сентябрь	—	—	—
IV чорак	— минг куб.м:октябрь	— ноябрь	— декабрь	—	—	—

**1.5.** Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Таъминотчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил микдорда тақсимланади.

**1.6.** Таъминотчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой

(чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

**2.1.** Истеъмолчи томонидан газ тармоқларига уланиш амалдаги табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади, бунда «Саноатгеоконтекназорат» ДИ рухсатномасисиз ва «Ўзнефтгазинспекция» ҳудудий бўлимининг кўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги ҳамда ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулосасисиз газ сарфловчи ускуналарга табиий газ етказиб бериш тақиқланади.

**2.2.** Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014(Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар)га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

**2.3.** Истеъмолчи Таъминотчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

Модем ўрнатган Истеъмолчиларой давомида истеъмол қилган газ ҳажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ ҳажми хақконий бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давомида ҳисботга киритилган газ ҳажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдилар.

**2.4.** Таъминотчи Истеъмолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Таъминотчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

104, (78)221-12-70, (78)221-12-13, (78)227-06-02, (78)221-12-74

**2.5.** Таъминотчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар камида 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ кувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади ёки тўхтатилади.

**2.6.** Магистрал ва тақсимловчи газ кувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-қиши мавсумида ижтимоий соҳа таъминлаш мақсадидатъминотчи Истеъмолчини огохлантирган ҳолда газ захира ёқилғи туридан фойдаланишга ўтади.

**2.7.** Истеъмолчи Таъминотчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш жавобгарликни ўз зиммасига олади.

**2.8.** Истеъмолчи захира ёқилғи туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши

шарт. Истеъмолчи Таъминотчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланиши тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

**2.9.** Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар ҳисобланади.

**2.10.** Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Таъминотчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт, техник шартларнинг берилиши Давлат хизматлари маркази орқали амалга оширилади.

**2.11.** Таъминотчи табиий газни ўртача суткалик норма доирасида ой мобайнида бир хил миқдорда, истеъмол қилишнинг суткалик нормасидан камайтириш ҳисобига чекиниш зарурати бўлган ҳолатларда эса — томонлар ўртасида келишилган диспетчерлик жадваллари бўйича етказиб бериши, истеъмолчи эса (маиший истеъмолчилар ва умумий ҳисоб қуввати 100 кВт.дан кўп бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасига эга оиласидан корхоналардан ташқари) уни бўлиниш чегарасида ўрнатилган табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш прибори орқали олиши шарт.

Газ таъминоти ташкилотларига ГТСнинг алоҳида чиқиш газ қувурлари (нуқталар) орқали етказиб берилган табиий газ ҳажмлари истеъмолчилар билан бўлиниш чегарасида ўрнатилган табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсатгичларининг умумий йигиндиси бўйича аниқланади. ГТСнинг алоҳида чиқиш газ қувурлар (нуқталар) ва истеъмолчилар билан бўлиниши чегарасида ўрнатилган табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларига қадар ўрнатилган бошқа табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари, газ таъминоти ташкилотлари билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун яроқсиз деб ҳисобланади.

Республика ҳудуди бўйича табиий газни етказиб беришнинг ойлик ҳажмлари «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ томонидан газ ташиш тизимининг ресурс ва техник имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

**2.12.** Истеъмолчи ёки Таъминотчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

**2.13.** Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимиning ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, Таъминотчининг кўрсатмаларини бажариш Истеъмолчи учун мажбурий ҳисобланади.

### **III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**3.1.** Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

**3.2.** Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида

ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Таъминотчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

**3.3.** Бирлик микдори стандарт шароитда 1 м<sup>3</sup> газ олинади: харорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ микдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-хукуқий хужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шароитга автоматик равища келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

**3.4.** Таъминотчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки ҳисобланади.

**3.5.** Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Таъминотчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГҲНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

**3.6.** Газ ўлчаш приборлари ва /ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Бунда табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш ва давлат қиёсловидан ўтказиш сарф-харажатлари ҳисобга олиш прибори мулкдори томонидан қопланади.

**3.7.** Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030:2008 “Ёқилғи ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар”, O'z DSt 8.031:2008 “Ёқилғи ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

**3.8.** Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

**3.9.** Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

**3.10.** Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эктиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

**3.11.** Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслаш кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш

приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштироқида амалга оширилади.

**3.12.** Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Таъминотчи билан келишилади.

**3.13.** Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Таъминотчи Истемолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

**3.14.** Таъминотчи ўзининг тамғаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиласидан қисмларига Истемолчи иштироқида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамғаларни бутлилига Истемолчи жавобгардир.

**3.15.** Таъминотчи Истемолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хукуқига эга. Шу билан бирга, Истемолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Таъминотчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

**3.16.** O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида ғайритабиих ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг микдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашиш ҳолатлари бундан мустасно.

**3.17.** Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган

д) ҳисобга

вақтга;  
олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш

прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамғаларнинг бутлиги бузилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш

приборини ўзбошимча ечиб қўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни

тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и)газ

ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш

приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан ҳисбот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмагандан ёки Таъминотчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТГХНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисбот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари

ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жихозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмагандан эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м)

газлаштириш

хужжатларини

расмийлаштиrmасдан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) - бир ҳисоб-китоб даврига;

н)газ узиб қўйилганидан

сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, узиб қўйилган кундан бошлаб то аниқланган кунга қадар.

3.18. Истеъмолчининг

ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

**3.19.** Таъминотчи томонидан етказиб бериладиган газ хажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Таъминотчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб килиш хукуқига эга.  
Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб килган Тараф томонидан амалга оширилади.

**3.20.** Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиқсанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиши ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичидаги Таъминотчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш грағигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Таъминотчи билан биргаликда ўчириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

**3.21.** Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиши ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар оҳирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (О’з DSt 8.586 тақдирини аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

#### **IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУНҲИСОБ-КИТОБНИАМАЛГА ОШИРИШ**

**4.1.** Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

**4.2.** Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

**4.3.** Тарафларнинг келишувига мувофиқ, Истеъмолчи ҳисоб-китоб килиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 30% суммасини Таъминотчининг ҳисоб рақамига ўтказиб беришга келишдилар.

**4.4.** Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол килинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

**4.5.** Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб килиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

**4.6.** Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

**4.7.** Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент

билин оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли ҳил (электр таъминоти носозлиги, чақмоқ, қисқа туташув ва х.к)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

**4.8.** Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

**4.9.** Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вактида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

**4.10.** Ҳисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми Таъминотчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиласидиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимида киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

**4.11.** Шартноманинг 4.10-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Таъминотчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади ва унга асосан истеъмолчига электрон ҳисоб варак-фактура юборилади.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ой давомида истеъмол қилган газ ҳажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ ҳажми ҳақконий бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давомида ҳисботга киритилган газ ҳажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдилар, унга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон ҳисоб варак-фактурани юборади.

**4.12.** Таъминотчива Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисбот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчига қўйидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

**а)** газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисбот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

**б)** Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТКлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолататноманинг мавжудлиги;

Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

**4.13.** Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Таъминотчидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Таъминотчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварақ-фактурани қабул қиласди.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ой давомида истеъмол қилган газ ҳажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ ҳажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давомида ҳисботга киритилган газ ҳажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдилар, унга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактурани юборади.

**4.14.** Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътироzlар билан имзолаш Истеъмолчини кўrsatiб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Таъминотчивакилига тақдим қиласди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмагандан, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

**4.15.** Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Таъминотчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**4.16.** Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Таъминотчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қиласди. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой қўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

## **V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

**5.1.** Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17.-бандида кўrsatiб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Таъминотчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

**5.2.** Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

**5.3.** Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўrsatilган холатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

## **VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚҮЙИШ ВА ҚАЙТАУЛАНИШ ТАРТИБИ**

- 6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:**
- шартномавий мажбуриятлар ва/ёки амалдаги қонунчилик хужжатлари билан Истеъмолчи учун мажбурий бўлган, бироқ мазкур шартномаданазарда тутилмаган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганида;
  - Таъминотчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмагандан;
  - фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
  - шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда, агар тарафларнинг келишувига мувофиқ тўловлар олдиндан тўловлар назарда тутилган бўлса;
  - Таъминотчининг ва “Ўзнефтгазинспекция”нинг кўрсатмалари бажарилмагандан;
  - ҳисоблаш приборларига қасдан заар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;
  - газни ҳисобга олиш приборларига ташки таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;
  - Газдан фойдаланиш қоидаларига зид равишда газ тармоқларига ноконуний уланиш ёки бошқа қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганди;

Бунда Таъминотчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий заар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

- 6.2. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГҲНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.**

## **VII. ТАРАФЛARНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **7.1. Таъминотчи қуйидагиларга мажбур:**

- мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажариш;
- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;
- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон

маълумотларнинг барча параметрларини камида уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17.-бандига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига қадар табиий газ таъминотини қўшимча огохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг рухсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқукни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Таъминотчива ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:

- табиий газ сизиб чиқишида — дархол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташқари вактда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичидан алмаштириш;

Таъминотчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **7.2. Таъминотчиқуидаги ҳуқуқларга эга:**

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидлари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечикириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан огохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

- Истеъмолчи мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, унга табиий газ етказиб беришни тўхтатиш.

### **7.3. Истеъмолчи қўйидагиларга мажбур:**

- мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажариш;
- ҳисобот ойида табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнингб-санасигача Таъминотчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш, ушбу маълумотларни тақдим қилмаслик етказиб берилган табиий газ ҳакини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланади;
- ойлик истеъмол қилинган газ ҳажми ҳақидаги ҳужжатлар(табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-варак фактура, солиштирма далолатномаси ва ҳ.к.з)ни ўз вақтида имзо(мухр) билан тасдиқлаб бориш, Истеъмолчи тақдим қилинган ҳужжатларни имзо(мухр) билан тасдиқлашдан бош тортган тақдирда, ушбу ҳолат етказиб берилган табиий газ ҳакини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланади;
- ташкилий хукуқий шакли ўзгарган тақдирда ёки ЯТГа берилган гувоҳнома муддати тугаган тақдирда, бу ҳақда дархол Таъминотчига ёзма равища хабар бериш;
- шартномани ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказганидан кейин уч кунлик муддат ичида асослантирувчи ҳужжатни Таъминотчига тақдим этиш;
- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини технижихатдан соз ҳолатда саклаш;
- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равища кўздан кечириб чиқиш;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;
- газ Таъминотчи вакиллари ва “Ўзнефтгазспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишини ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хукуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;
- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи харакатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;
- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун кулай шаклда дархол

хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТГҲНАТ-АСКУГ) тизимиға уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш;

- Таъминотчи томонидан юборилган талабномаларга қонунда назарда тутилган 15 кунлик муддат ичида жавоб қайтариш(белгилаган муддат ичида талабномага жавоб қайтармаслик табий газ ҳақини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланиши мумкин);

- Таъминотчи томонидан тақдим қилинган мурожаатларни қабул қилиб олиб, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда уларни имзо ва муҳр билан тасдиқлаб бериш;

#### **7.4. Истеъмолчи Таъминотчидан қўйидагиларни талаб қилиш хуқуқига эга:**

- етказиб берилган табий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Таъминотчининг табий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив хужжатларда қўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимиға риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табий газни етказиб бериш шартномасини қонун хужжатларига мувофик бир томонлама бекор қилиш;

- табий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик хужжатларида белгиланган бошқа хуқукларга эга бўлиши мумкин.

### **VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**8.1.** Тарафлар мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажаришлари шарт.

**8.2.** Тарафлар, зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари бўйича амалдаги қонунчилик хужжатлари билан жавобгарликни ўтайдилар.

**8.3.** Таъминотчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун куйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

**а)** Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

**б)** фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

**в)** қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи мазкур шартнома ва/ёки унинг асосида берилган кафолат хатлари бўйича зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилган ҳолларда.

**8.4.** Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Таъминотчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда; в) қиш даврида вактинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

**8.5.** Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив хужжатларталабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Таъминотчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб қилиш хукуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Таъминотчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш хукуқига эга.

**8.6.** Таъминотчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Таъминотчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

**8.7.** Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вактида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтгантўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

**8.8.** Мазкур шартнома билан назар тутилмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарорига илова(2) қилинган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари” ҳамда бошқа қонунчилик нормалари билан тартибга солинади.

## **IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР**

**9.1.** Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланниб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни

тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

**9.2.** “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га мазкур шартнома доирасида қуидагиларни кафолатлайди ва қуидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади:

Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шуningдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Таъминотчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қиласди.

## X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

**10.1.** Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда, Тарафлар қоидага кўра, уларни талабнома жўнатиш орқали судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар, Тарафлар талабномани олган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичидаги унга жавоб қайтаришлари шарт, акс ҳолда ушбу ҳолат қонунбузилиш ҳолати сифатида баҳоланади. Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек, тарафларнинг расмий веб сайтидаги, Давлат статистика қўмитасининг интернетдаги корхона ва ташкилотлар ҳакидаги жойлаштириган маълумотларидағи электрон почта манзилларида телефон рақамларига ёки шартномадаги электрон почта манзиллари ёки телеграмм рақамларига жўнатилиши мумкин.

**10.2.** Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли иқтисодий судга ёки Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судимурожаат қилишга ҳақлидир, танлаш ҳукуқи даъвогарда қолади.

**10.3.** Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

**11.1.** Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазибичиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнгин чиқиши, ер қимирилаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳукукига эга бўладилар.

**11.2.** Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

**11.3.** Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб

турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиласидилар.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Фазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 марта гача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилик ҳар йили “2022” йил 31 март санасига” амал қилишлари лозим.

## XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхаси ҳам бир ҳил юридик кучга эга.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

### «ТАЪМИНОТЧИ»

«Худудгиз Сирдарё»  
газ таъминот филиали

Гулистон шахар, А. Темур кўч. 65 уй  
x/p 9634000605113960424

АТБ Ўзаонатқурилишбанк  
Сирдарё миңтақавий филиали  
МФО: 00435; ИНН: 306605769  
ОКЭД: 35220; Тел: +99897-247-74-71

Рахбар: Ж.Хидиров  
Имзо:

Юриет холосаси:

Мен ушбу шартномани амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида ти Конуни ва бошқа қонун хуқоқатлари асосида хуқуқий экспертиза қилиб, ушбу шартномада

### «ИСТЕМОЛЧИ»

Ширин Ш ХТБ

4- мактаб

Х.Дустлиги кучаси

x/p 100022860244107092100075008

БанкТОШ Ш Марқ ББХКМ

МФО: 00014; ИНН: 201169313

Тел: 677-64-59-78

Рахбар: Ж.Жуманазаров

Имзо:



кўрсатилган муносабатлар юқоридаги қонун хужжатлари билан тартибга солиниши, тарафларнинг хуқук ва мажбуриятлари, хисоб-китоб тартиби, газни етказиб бериш ва узуб қўйиш тартиби, тарафларнинг мулкий жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби талабларга мувофиқлигини билдираман. Шу сабабли ушбу шартномани имзоласа бўлади деб хисоблайман.

(Ф.И.Ш.) (имзо, мухр)

(сана)

2022йил «5»январдаги 02/11-0294-сон шартномагайЛОВА

Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари РҮЙХАТИ  
Фаолият түри: Төзөммөл аудостасоол

Табийй газ тарифи 660 сүм 20 тийин

## ТАБМИНОТЧИДАН

Рахбар Ж.Хидиров



# ИСТЕЬМОЛЧИДАН

**Рахбар Ж.Жуманазаров(Ф.И.Ш)**



**Информация о юридическом лице  
(По данным регистрирующих и уполномоченных органов)**

**Общие сведения**

ИНН:	306605769
Регистрирующий орган:	Центр государственных услуг
Дата регистрации :	27.07.2019
Номер регистрации:	747007
Наименование юридического лица:	"HUDUDGAZTA` MINOT" aksiyadorlik jamiyati
Код ОПФ:	153 - Акционерное общество
Код ОКЭД:	35220 - Распределение газообразного топлива через системы газоснабжения
Код СООГУ:	01124 - Акционерное общество "Худудгазтаъминот"

Принадлежность к субъектам малого предпринимательства:	Нет
Состояние активности:	Действующие предприятия
Уставный фонд:	2 646 308 706 000,00 UZS

Информация о руководителе	
Имя руководителя:	BAXODIR ESHMURATOV BESHIMOVICH
ИНН руководителя:	488807345

Информация об учредителях и их доле в уставном фонде	
1. O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI	100,00
2.	
3.	
4.	
5.	

Контактные данные	
Адрес электронной почты:	info@hududgaz.uz
Контактные телефоны:	712811675
Код СОАТО:	1726294 - Toshkent shahri, Chilonzor tumani
Улица, тупик, дом:	Muqumiy ko`chasi, 98-uy

Данные актуальны на 28/01/2022



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № 02/11-0204

между "HUDUDGAZTA 'MINOT' AJ и Ширин шахар халк ХТБ на общую сумму 9900000,00

Глава  
Казначейский лицевой счёт

075

100022860244107092100075008

(в суммах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)		Всего
	4222000		
Январь	3 960 000,00		3 960 000,00
Февраль	3 960 000,00		3 960 000,00
Март	1 980 000,00		1 980 000,00
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
<b>Всего за год</b>	<b>9 900 000,00</b>		<b>9 900 000,00</b>

Всего 9900000,00 сум

Девять миллионов девятьсот тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы \_\_\_\_\_ сум или \_\_\_\_\_ % \*\*\* от общей суммы договора  
подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца.  
(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

(подпись)

Жуманазаров Жамолиддин Мамарасул ўғли  
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Сарибоев И.Х.  
Ф.И.О.

Принял работник казначейского  
подразделения

\_\_\_\_\_ (подпись)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ г.

Получил работник  
заказчика

\_\_\_\_\_ (подпись)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ г.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma № FE41812162

2. Loyihaning nomi: ТАБИИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ  
ИСТЕММОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ  
ШАРТНОМАСИ 02/11-0204-сон .

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Shartnoma loyihasi Shirin shahar Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022 yil 28-yanvarda kiritilgan.

**XULOSA:** Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xojalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuning 10-14, 24-35-moddalari, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 26-27 boblari, O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi "Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018 yildagi "O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari togrisida"gi PQ-3953-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Davlat buyurtmachilar tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'eicha xarid qilinadigan(ishlar, xizmatlar) RO'YXATI" talablari asosida ishlab chiqilgan va uni imzolash maqsadga muvofiq.

**Markaz boshlig'i**



**SH. Alikulov**

2022 yil 28-yanvar